

# Саҳобалар ҳаёти

Салмон Форсий

[ Ўзбекча ]

صور من حياة الصحابة

سلمان الفارسي

[ باللغة الأوزبكية ]

Шокирбек

شاكر بيك

Риёз шаҳри, Рабва диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1429 – 2008

islamhouse.com

Бу сафар қахрамон форс диёридан келади..  
Форс диёридан кейинчалик кўпгина кишилар мусулмон бўлиб, иймонда,  
илмда, дину дунёда етиб бўлмас юксакликларга кўтарилдилар..  
Лекин биз ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган қахрамонимиз қиссаси ўзгача..  
Ҳақиқат излашда ўзгаларга намуна бўлиб кўрсатишга арзийдиган қисса бу..  
Мана, Мадоин шаҳридаги қуюқ дарахтлар соясида ўтирганча ҳамсуҳбатларига  
ўзининг ҳақни излашдаги катта саргузаштларини, ўз қавмининг дини бўлмиш  
оташпарастликдан қандай қилиб насронийликка, кейин қандай исломга  
ўтганини, руҳини, ақлини озод этиш йўлида отасининг ортиқ молу давлатини  
ташлаб ўзини камбағаллик, йўқчилик гирдобига ташлаганини, ҳақиқатни  
излар экан, қул бозорида қай ҳолда сотилганини, қандай қилиб Росулulloҳ

билан учрашиб, иймонга келганини, барча-барчасини ҳикоя қилиб бериб  
ўтирибди.. Келинг, у кишининг шуқуҳли ўтиришига қўшилайлик.. айтаётган  
ажойиб ҳикоясини тинглайлик..

\* \* \*

Исфаҳоннинг Жай номли қишлоғидан бўламан. Отам амлоқдор киши бўлиб,  
мени жуда яхши кўрар эди.. Мажусийлик-оташпарастликда анча тиришиб, ўт  
ёқувчи вазифасини олиш шарафига ноил бўлдим, динимизда бу ўтти ҳеч  
ўчирмасдан доим ёниқ ҳолда тутиб туриш керак бўларди..  
Отамнинг далада ерлари бўлиб, унда турли нарсалар экар эди.. Бир куни ўша  
жойга мени жўнатди.. Мен кетар эканман, йўлда насронийларнинг бир  
каниса-черкови олдидан ўтиб қолдим.. Уларнинг ибодат қилаётганлиги  
қулоғимга чалиниб, нима қилаётганликларини кўриш учун черковга кирдим..  
Қилаётган ибодатлари менга жуда ёқиб қолди.. Ўзимга ўзим: бизнинг  
динимизга қараганда бу яхши экан, дедим.. Шу аҳволда кун ботгунча қолиб  
кетибман.. На отам ерига бордим, на уйга қайтдим.. Отам хавотир олиб  
ортимдан одам жўнатибди..  
Менга насронийларнинг бу ишлари, ибодатлари ёқиб қолгач, ушбу дин асли  
қаерда деб сўрадим, улар: Шомда деб жавоб беришди..  
Уйга қайтгач, отамга: Мен йўлда баъзи кишиларни кўрдим, черковларида  
ибодат қилишар экан, менга жуда ёқиб қолди, бизнинг диндан уларники яхши  
экан, дедим..  
Отам мен билан тортишиб, тортишиб, охири, фикримдан қайтара олмагач,  
оёғимга кишан солиб, қамаб қўйди.. Бироқ ақлимга, эътиқодимга кишан  
урмоқнинг иложи йўқ эди.. Шунда бир иложини қилиб ҳалиги насронийларга  
мен уларнинг динига кирганимни, уларга Шомдан карвон келиб қолса менга  
албатта хабар беришларини сўраб одам жўнатдим.. Карвоннинг кетар вақти  
етгач кишанлардан бир амаллаб қутулиб, уларга қўшилиб олдим ва Шомга  
жўнаб кетдим..  
У ерга боргач, энг олим кишиси ҳақида суриштирдим.. Улар: черков каттаси  
анави поп дейишди, мен унинг олдида бориб, ўз муддаомни билдирдим, унинг  
ёнида хизмат хизмат қилиб, ибодат қилиб, динни ўргана бошладим..  
Бу поп динига амал қилмайдиган ёмон одам эди.. Одамлардан садақаларни  
тарқатиш учун йиғиб олардида, кейин ўзи бир четга босиб сақлаб қўярди..  
У ўлгач, ўрнига бошқа бирини олиб келиб қўйишди, мен динига содиқликда  
бунчалик кишини кўрмадим, у бутунлай таркидунёчиликка берилган, фақат  
охират ғамида бўлган киши бўлиб, вақтини ибодат билан ўтказар эди.. Мен  
уни шундай яхши кўриб қолдимки, илгари бирор кишини унчалик яхши  
кўрганимни билмайман.. Тақдир тақозоси ила куни битгач, унга: Мана, кўриб  
турибсиз, бошингизга Оллоҳ тақдири билан шу иш тушиб турибди, энди  
нимага буюрасиз, кимга васият қиласиз? дедим..  
У: эй ўғлим, менинг йўлимдаги каби инсонлардан ҳеч кимни билмайман,  
фақат Мавсил (Ироқ шимолида жойлашган шаҳар)да бир киши бор.. деди..  
Қазо қилгач, Мавсиллик ёнига келиб, бўлган воқеани айтиб, унинг олдида

яшай бошладим.. Вақти келиб унинг ҳам ўз омонатини топшириш фурсати етди, мен ўша саволни унга ҳам бердим, у Рум (Византия) мамлакатига қарашли Аммурийя шаҳрида бир кишига бориб, унинг этагини тутишимни васият қилди.. Унга бориб, ёнида яшай бошладим, яшашим учун баъзи мол-қўйлар қилиб олдим..

Йиллар ўтиб, унинг ҳам бу дунёдан ўтиш вақти келганда: мени кимга васият қиласиз, дедим. У: эй ўғлим, ушбу йўлда қолган, "ёнига бор" деб айта оладиган бирор кишини билмайман, лекин Иброҳим алайҳиссалом дини бирла пайғамбар қилиб жўнатиладиган кишининг замони яқинлашиб қолди.. Икки томони қора тошлоқдан иборат хурмозор ерга ҳижрат қилади у пайғамбар.. Агар иложини топиб, ўша кишини топа олсанг, шу ишни қил, деди.. Кейин гапини давом этдириб: Унинг махфий бўлмаган белгилари бор, садақа емайди, ҳадяни эса қабул қилади, икки кураги ўртасида пайғамбарлик муҳри бор, кўрсанг танийсан, деди..

Ўшандан бошлаб фикру зикрим ўша хурмозор ерларга қандай қилиб етиш бўлиб қолди..

Кунлардан бир кун олдимдан бир карвон ўтиб қолди, юртларини сўрасам, Арабистон томондан, дейишди.. Мен уларга: ушбу молу қўйларимни берай, эвазига мени ўша жойларга етказиб қўйинглар, дедим. Майли, дейишди.. Мени ўзлари билан олиб кетишди, Водил Қуро деган ерга етганимизда, менга зулм қилишиб, яҳудийлардан бир кишига сотиб юборишди.. Мен ўша жойларда кўп хурмозорни кўриб, менга васф этилган жой шу ер бўлишини, пайғамбарнинг шу ерларга кўчиб, ҳижрат қилиб келишини умид қилдим..

Лекин у жойлар эмасди..

Мени сотиб олган киши қўлида қул бўлиб турдим, бир куни Бани Қурайза қабиласидан яна бир яҳудий келиб, ундан мени сотиб олди, кейин мени Мадинага олиб келди.. Оллоҳга қасамки, мен Мадинани кўришимдаёқ менга васф этилган шаҳар эканлигига аниқ ишонган эдим!

\* \* \*

Унинг қўлида Бани Қурайзадаги хурмозорда ишлаб юравердим.. Бу орада Оллоҳ таоло ўз пайғамбарини юбориб, у киши орадан ўн йил ўтгач Мадинага келиб тушибдилар, Қубодаги бани Амр ибн Авф қабиласига келиб қўноқ бўлибдилар..

Бир куни мен хурмо устида ишлаб турар, хўжайиним хурмо тагида сояда дам олиб ўтирар эди, тўсатдан амакиваччаларидан бири келиб қолдида, унга қараб: Ээ ўлиб кетсин шу Бани Қайла (ансорийларни яҳудлар шу ном билан атар эдилар), ҳозир улар Маккадан келиб, ўзини пайғамбар деб атаётган кишининг атрофига аридек ёпишиб олишган, деб қолса бўладими! Худо ҳақи, шу гапни тугатмасданоқ бирдан баданимда титроқ турди, хурмо дарахти ҳам қалқиб кетгандек бўлди, хўжайиним устига гупиллаб тутишимга бир баҳя қолди! Хурмодан тезда тушар эканман, ҳалиги амакиваччасига қараб: Нима дединг? Нима гап? дедим шоша-пиша. Хўжайиним аччиғи чиқиб кетиб қўлини кўтардида, қарсиллатиб тарсак тортивориб: Сенинг нима ишинг бор?! Бор, ишингга қарае!! деб жеркиб берди.

Ночор ишимга кетдим.. Кеч киргач, ўзимдаги бор таомни йиғиштириб Қубога,

Росулуллоҳ олдида бордим.. Кирсам, атрофида бир нечта издошлари-асҳоблари ўтирган экан.. Унга қараб: Сизлар эҳтиёжманд, мусофир одамсизлар, менда садақа учун атаб қўйган таом бор эди, менга сизларнинг келганингиз айтиб берилганда бу таомга сизлардан кўра ҳақлироқ кишини

топмай, шу ерга олиб келдим, дедимда, таомни қўйдим.. Росулуллоҳ асҳобларга: Бисмиллаҳ, олинглар, дедилар, ўзлари қўл узатмадилар.. Шунда ўзимга ўзим дедим: Мана биттаси! Садақа емайди!

Кейин қайтиб келдим, эртаси куни яна қўлимга таом кўтариб Росулulloҳ ҳузурига кириб бордим, у зотга: Сизнинг кеча садақа емаслигингизни кўрдим.. Бугун ҳурматингизга ушбу таомни ҳадя сифатида олиб келувдим, дея олдиларига қўйдим. Асҳобларига қараб: Келинлар, бисмиллаҳ, дедиларда, ўзлари ҳам таомга қўл чўздилар. Мен ўзимга ўзим: Мана иккинчиси! Ҳадяни ейди! дедим. Кейин қайтиб кетдим.. Орадан бир неча кун

ўтди.. Фурсат топиб яна қайтиб бордим, қарасам, Росулulloҳ атрофида асҳоблари билан бир жаноза ортидан бориб Бақеъ қабристонига киришган экан, эгнига икки матони кийим қилиб, бирини елкадан ошириб ридо, иккинчисини эса пастга ўраб, изор қилиб олган эдилар. Бориб салом бердимда, бурилиб елкаларидаги муҳри нубувватни (пайғамбарлик муҳрини) кўриш учун орқаларига ўтдим.. Менинг нима хоҳлаётганимни билиб, ридоларини елкаларидан пастга эндирилди.. Қарасам, соҳибим менга васф этган айни муҳр кураклари ўртасида турар эди!!

Мен йиғлаганча ўзимни отиб, ўпа бошладим.. Росулulloҳ мени чақириб, рўпараларига ўтиргиздилар, ҳол-аҳвол сўрдилар, ҳозир сизларга ҳикоя қилиб бергандек у кишига ҳам бошдан кечирганларимни айтиб бердим. Кейин Мукулмон бўлдим.. Қуллик менинг Бадр ва Уҳуд ғазотида қатнашимизга тўғаноқ бўлди.. У муборак жангларида қатнашолмадим..

Кунлардан бир куни Росулulloҳ : хўжайинингга бор, ўзингни сотиб олишга у билан келиш, дедилар. У билан ўзимни қудуқ суви ёрдамида уч юз хурмо дарахти ўстириб бериш ва 40 уқийя (1 уқийя қарийб 40 грамм) тилла

эвазига озод қилиб олишга келишдим. Росулulloҳ асҳобларига: биродарларингга ёрдам беринлар, деб буюрдилар. Улар баъзилари 30 кўчат, баъзилари 20, баъзилари 15тадан олиб келиб бердилар, жами 300 кўчат

тўпладик. Шунда Росулulloҳ : Салмон, бор, кўчатларни экишга ер ковла, ковлаб бўлгач, олдимга кел, кўчатларни ўзим ўтқазаман, дедилар. Мен 300 туп кўчатга ер ковлаб бўлиб, олдиларига келдим.. Бирга чиқдик, мен у кишига кўчат узатиб турдим, муборак қўллари ила ўтқазавердилар. Салмон жони қўлида бўлган Зотга қасамки, ўша 300 тупдан биттаси ҳам қуриб қолмади!! Ҳаммаси кўкариб кетди.. Энди мен хурмодан қутулган, бўйнимда тиллалар қолган эди.. Бир куни

Росулulloҳ га баъзи ғазавотлардан товуқ тухумидек тилла ўлжага тушди.. Шунда у зот: хўжайидан ўзини сотиб олишга келишган форсий қани? Дебдилар.. Мени чақиринди. Бордим, менга: мана буни олиб, бўйнингдаги тиллангни уз, дедилар. Мен: Эй Росулulloҳ, бўйнимдаги тиллалар олдида бу нима бўларди, дедим.. У киши: Ол, Оллоҳ шу билан бўйнингдагини узади, дедилар. Олдим. Уларга ушбу тилладан 40 уқийяни тортиб бердим!! Ҳамда

озод бўлдим, хандақ ғазотида Росулulloҳ билан бирга озод ҳолда қатнашдим. Шундан сўнг бирор ғазотдан қолмадим.

\*\*\*

Ушбу жозибатор, нурли калималар ила Салмон Форсий ўзини Оллоҳга боғлагувчи, унга ҳаёт йўлини чизиб берувчи ҳақиқатни излаш йўлидаги саргузаштларини гапириб берди.. Саргузаштларига қулоқ тутар экансиз, беихтиёр хаёлга чўмасиз.. Нақадар ҳиммати кўкда бўлган, интилувчан киши бўлган экана! Ичида сақлаётган руҳи бунчалар пок, бунчалар беғубор бўлмаса.. Тоғларни

майда-майда этувчи, кескир олмосларданда ўткир, метин иродаси бунчалар мустаҳкам, бунчалар қатъий бўлмаса!  
 Ҳақиқатга бунчалар берилган, бунчалар содиқ бўлмаса.. Ҳали ҳаётга тўйиб улгурмасданоқ ўз оила-аъзоларидан, отасининг беҳисоб молу давлатидан, сўлим боғ-роғлару кумуш янглиғ товланиб оқаётган ширин сувлардан воз кечиб, ҳақиқат йўлида ўзини қийинчиликларга тўла, машаққатлардан ўзга ҳеч нарсаси кўринмайдиган мажҳул ҳаётга топшириб, бир юртдан иккинчи юртга кўчиб юришнинг ўзи бўладими!!  
 Лекин, интилганга толе ёр, деб бекорга айтмайдилар!  
 Салмон ҳам ўткир зеҳни ила, ҳақни излаган беғубор, синчков қалби орқали кишилар ҳаётини, йўлларини ўрганиб, ўзининг ҳақ йўлидаги қатъий иродаси орқали, ҳаётдаги барча қийинчиликларга сабру бардош қилиб, ҳатто энг азиз мулки бўлмиш ҳуррияти, озодлигидан ҳам ажралиб, қул бўлиб сотилсада, излаган нарсасига охири етди.. Оллоҳ уни дунё сарвари, пайғамбарлар сардори ила жамлади.. Шундан сўнг Оллоҳ унга яна умр бериб, ҳақ байроқлари турли ерларда ҳилпираб, олий бўлганлигини кўришни насиб қилди!! Оллоҳнинг мусулмон бандалари бутун ер юзида башарият тарихида мисли кўрилмаган адолат низомини ўрнатиб, яшнатиб юрганлигининг гувоҳи ҳам бўлди..!! Ўшандай низом ўрнатилишига ўзининг салмоқли ҳиссани ҳам қўшди!!

Унинг ўша салмоқли ҳиссаларидан бири Ҳандақ ғазотида бўлган.. Бу воқеа ҳижратнинг бешинчи йилида бўлиб ўтган эди.. Ўшанда Мадина атрофида яшовчи яҳудийлар бошчиларидан бир нечтаси Макка мушриклари олдига бориб уларни Оллоҳ пайғамбари ҳамда мусулмонларга қарши гиж-гижлаган, Макка атрофидаги бошқа қабилаларни ҳам бу ишга даъват этишган, ўзлари ҳам бу янги динни тағ-томири билан суғуриб ташлашда қўл қовуштириб турмасликларини, баҳодирларча жангга кириб, кўмак беришларини айтиб мақтанишган, ваъдалар қилишган эди.. Эндигина тетапоя бўлиб, оёққа туриб келаётган Исломга қарши қилинган бу мудҳиш тил бириктирув режаси қуйидагича амалга оширилиши керак эди.. Қурайш билан Ғатафон қабиласи аскарлари Мадинага ташқаридан ҳужум бошлаганда Бану Қурайза (яҳудий қабилалардан бири) ичкаридан, мусулмонлар ортидан оёққа турар, натижада мусулмонлар икки томондан зарба еб, тегирмоннинг икки тоши буғдойни қандай янчиб ташласа, мусулмонлар шундай янчилиши, уларга барҳам берилиши керак эди.. Мусулмонлар Исломга қарши қилинган бу фитнадан ҳали беҳабар, яҳудийлар билан қўшничилик ришталари ила боғланиб, улардан бирор ёмонлик содир бўлишини хаёлларига келтирмай яшамоқда эдилар.. Бир куни ўша вақтдаги энг зўр, энг кучли қуроллар ила жиҳозланган минглаб аскарлардан иборат қўшин Мадина томон отланаётганини эшитиб қолдилар.. Мусулмонлар тўсатдан келмоқда бўлган бу қўшиндан жуда саросимага тушиб, уларни анча ваҳима эгаллаб олган эди.. Қуръон уларнинг ўша вақтдаги ҳолатини тасвирлаб, шундай дейди:  
 "Қўшинлар сизларга устингиздан ҳам, остингиздан ҳам келган вақтни эсланг, ўшанда кўзлар олайиб, юраклар ҳалқумга келиб қолган, Оллоҳга турли гумонларни қила бошлаган эдингиз"!!  
 Абу Суфён ва Уяйна ибн Ҳисн (Макка атрофидан қўшилган аъроб қабилаларига бошчилик қилган киши) қўмондонлигида 24 000 аскар Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва унинг асҳобларини чилпарчин қилиб ташлаш учун Мадинага яқинлашмоқда эдилар. Ушбу армия юқорида ишора этилганидек, фақат Қурайш аскарларидан ташкил топган бўлмай, балки Исломни ўзига хатар деб билган барча қабилалар аскарлари мажмуи эди.. Аҳоли кам бўлган ўша вақтларда бунчалик аскарларнинг тўпланиши анча қийин, тўпланганда эса кишиларни қўрқув ва ваҳимага солмай қўймасди.. Пайғамбар душмани бўлган шахслар, жамоалар, қабилалар, барча-барчасининг ўз манфаатлари йўлида қилган жиддий энг сўнги

уриниши эди бу.  
Мусулмонлар ниҳоятда танг аҳволда қолиб, пайғамбар уларни маслаҳатга йиғдилар. Табиийки, улар мудофаага, ҳимояга туришга бир овоздан келишдилар.. Лекин ҳимоя қай тарзда бўлади? Шунда бўйлари узун, сочлари қуюқ, пайғамбар суюдиган, эҳтиром этадиган бир киши олдинга ўтди.. Салмон Форсий олдинга ўтиб, бир тепаликка чикдида, Мадинага синчковлик билан қараб, унинг ҳар томондан тоғлар ва тошлар билан ўралганини кўрди.. Бироқ унинг бир томонида анчагина кенг, очиқ ер бўлиб, қўшин худди шу томондангина бостириб кира олар эди.. Салмон Форс диёрида кузатган уруш услубларидан бирида ҳимоя учун хандақ

қазииш ҳам бор эди.. Росулulloҳ га яқинлашиб, арабларда ҳали учрамаган шу услубни қўллашни маслаҳат берди.. Ўша очиқ ерга хандақ қазиб, душман ўтиб кетолмаслигини таъминлаш кераклигини айтди.. Агар ўша хандақ қазилмаганида, Оллоҳ билади, воқеа нималар билан яқунланар эди.. Бир ой Мадина ташқарисида қамал қилиб, кира олмагач, охирида Оллоҳ томонидан совуқ ва кучли довул туриб, уларнинг чодирларию қозон-ўчоқларини учириб кетган, ночор қолган Абу Суфён қайтишга буйруқ чиқарган эди..

Ўша ғазотда мусулмонлар хандақ қазир эканлар, барча қатори Салмон ҳам

қазиишда иштирок этди.. Росулulloҳ улар билан елкама-елка туриб, қазиишга ёрдам бердилар. Салмон қўлида чўқмор (керки) ила тошларни майдалар экан, олдида бир қаттиқ, темирдек харсангтош чиқиб қолди.. Салмон паҳлавонкелбат, бели бақувват, кучли киши эди.. Йўлида учраётган тошларни майдалаб келар, уни бирор тош тўса олмаган эди.. Лекин бу харсанг қанчалик бошига зарба тушмасин, жойидан қимирламас, бирон ери кўчмас эди.. Бошқалар ҳам уриниб, қайсар тош олдида ожиз қолишгач, Салмон Росулulloҳ

қазийётган ерга бориб, қаттиқ тош борлигини айтиб, қазииш йўлини сал ўзгартириб, тошни айланиб ўтишга рухсат сўради..

Росулulloҳ Салмон билан ўша тошни ўзлари кўргали келдилар, кўрганларида, керкини олиб, асҳобларига узокроқ туришни буюрдилар. Кейин муборак икки қўлларини осмонга кўтариб "Бисмиллоҳ" деганларича, чўқморни маҳкам тутган ҳолда харсангга урдилар.. Шунда шу пайтгача зарбаларга парво қилмаган харсанг ушбу зарбадан дарз еди, атроф ёришиб кетгандек бўлди.. харсангнинг учдан бири майдаланиб кетди..

Росулulloҳ : Оллоҳу акбар! Форс калитлари берилди менга.. Ҳийра қасрлари, Кисро (Хисрав) шаҳарлари кўринди, умматим уларга ғолиб бўлажак, дедилар. Кейин иккичи бор кўтариб, яна бир зарба урдилар.. Ўша ҳолат такрорланиб,

харсангнинг яна бир қисм майдаланиб кетди.. Росулulloҳ нинг юзлари ёришиб кетиб: Оллоҳу акбар.. Энди Шом калитлари ҳам берилди.. Менга уларнинг қизил қасрлари ёришиб кўринди.. Умматим улар устиданда ғолиб бўлажак, дедилар.. Учинчи бор уриб, қолганини майдаладиларда: Оллоҳу акбар, менга Яман калитлари берилди.. Санъо қасрларини кўряпман, дедилар..

Оллоҳ ва пайғамбари рост сўзлади!!

Шундай қилиб, Салмон Хандақ қазииш маслаҳатини берган, ғайб асрорларидан

баъзилари Оллоҳ томонидан пайғамбарига берилишига сабаб бўлган ўша харсангтошга ҳам биринчи бор дуч келган киши бўлдилар. Пайғамбар ушбу мўъжизани айтаётганида ёнида турган, унга узоқ умр берилиб, ўша мўъжизаларнинг ҳаётда, кўз ўнгида амалга ошганини кўрган эди..

Форс ва Шом шаҳарлари очилганини кўрди..  
Санъо, Сурия, Миср, Ироқ қасрларининг гувоҳи бўлди..  
Салмон турли ерларнинг кўкка бўй чўзган мезаналардан таралган муборак ҳайқириқлар ила тўлган, ҳидоят, эзгулик, нурга бой бўлганини кўриш шарафига муяссар бўлди..

Ҳиммати кўкда бўлган, сидку ихлос ила ҳаёт кечирган бу буюк инсон ўз тақволарида, заковатларида ҳам Умар ибн Хаттобга ўхшаб кетар эдилар. Муохот – пайғамбар илк Мадинага келганларида асҳобларини бир-бирига икковора (иккита-иккитадан) қиёматлик дўст қилиб қўйганларида Абуд Дардо билан дўстлашган эди.. Абуд Дардо кечалари қиёмда туриб, намоз ўқиб, кундузлари рўза тутиб юрар эди.. Унинг бундай таркидунёчилигини кўриб, аёли ҳам ўзига қарамай қўйган эди.. Бир куни унинг нафл рўзага бўлган қатъиятидан қайтармоқчи бўлиб сўз очганида унга Абуд Дардо ўғитнамо: Раббимга рўза тутишдан қайтармоқчимисиз, деб қолди.. Шунда Салмон: Устингизда Раббингизнинг ҳам, ўзингизнинг ҳам, аёлингизнинг ҳам ҳақи бор, ҳар бирининг ҳақини ўзига еткизинг, рўза ҳам тутинг, оғизни очиб ҳам юринг.. Кечалари намоз ҳам ўқинг, ухланг ҳам.. Ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳақини беринг, деди..

Бу сўз Росулulloҳ га етиб борганида: Салмон илмга тўла, дедилар.

Росулulloҳ унинг ўткир заковатини, илмини қадрлар, ахлоқини ҳам мақтар эдилар.. Ўша хандақ кунида ансорлар: Салмон бизлардан, дейишса, муҳожирлар улар қаршисида туриб: йўқ, Салмон биздан бўлади, деб талашиб

қолишди.. Шунда узоқдан қараб турган Росулulloҳ уларга қараб: Салмон биздан, аҳли байтдан (пайғамбар хонадонидан)" дедилар..

Албатта, у бундай шарафга лойиқдир.. Али ибн Абу толиб р.а. уни Лукмони Ҳаким деб номлар эди.. Вафотидан сўнг унга у ҳақда савол беришганида: "У биздан, аҳли байтдан эди, Лукмони ҳакимдек киши яна берилармикин, аввалгилар илмидан, кейингилар илмидан олган эди, олдинги ва кейинги китобларни ўқиди, туганмас бир денги эди", деди..

Саҳобалар ичида жуда баланд мартабага эришган бўлиб, уни барчаси ардоқлар эдилар.. Умар р.а. халифалик қилиб турган даврда Мадинага зиёрат қилиб келдилар.. Умар шунда ҳеч кимга кўрсатмаган илтифотини кўрсатиб, ёнларидаги аёнларни тўпладиларда: Юринглар, пешвоз чиқиб Салмонни кутиб олайлик, дедилар.. Мадина четига чиқиб, Салмон келишини кутиб турдилар.

Салмон Росулulloҳ га учраб иймон келтиргандан бошлаб мужоҳид, обид бўлиб яшадилар, халифалари Абу Бакр, Умар даврларида ҳам шу тахлит ҳаёт кечирдилар.. Усмон халифалигида ҳам яшаб, халифалик ўрталарида омонатларини топширдилар.. Ўша йилларга келиб Ислом байроқлари барча уфқларда ҳилпирар, хазиналар ва мол-дунёлар Ислом мамлакатига ёғилмоқда эди..

Бу вақтларда Салмон қаерда эди? Ўша дунё ёғилган, роҳат-фароғат фурсатлари етиб келган пайтда Салмонни қаердан топсак экан...

\* \* \*

Дикқат билан назар ташланг..  
Ҳў анави соя тагида, хурмо барглари (хурмо барглири узун-узун бўлади)  
ўриб, эшиб, саватлар, турли идишлар тўқиб ўтирган салобатли кексани  
кўряписми? Ўша киши Салмон бўладилар.. Калталигидан тиззаларигача  
очилай деб қолган ятакда, кексалик маҳобати, айна вақтда соддагина  
кийими билан кўр тўқиб ўтирибди..  
Унга бериладиган тортиқ (пенсия) жуда ортиқ даражада, йилига 4 минг-  
6минг орасида бўлсада, уларнинг барчасини тарқатиб берар, ундан бир  
дирҳам бўлсада олиб қолишдан бош тортар эдилар..  
"Бир дирҳамга хурмо барглари сотиб олиб, кейин идишлар ясаб, 3 дирҳамга  
сотаман, бир дирҳамни яна барглари олишга олиб қўйиб, бир дирҳамни  
оиламга ишлатаман, яна бирини садақа қиламан.. Агар Умар ибн Хаттоб  
келиб бундан қайтарсада, қайтмайман", дер эдилар..  
Эй Муҳаммад издошлари! Эй улўғ саҳобалар!!  
Эй, барча асрлар бўйи бутун инсониятга шараф бўлган зотлар!!!  
Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Абу Зарр Ғифорий сингари саҳобаларнинг  
ҳаёт лаззатларидан воз кечганлари, тақволари ҳақида эшитганимизда, "Ҳа  
энди бу зотлар Арабистон оролининг қийин, оғир табиатида ўсган  
кишиларда.." дер эдик.. Бу не ҳолки, бугун рўбарўмизда роҳат-фароғат,  
тўқин-сочинлик, дунёнинг ривожланган ери бўлмиш Форс Империясидан  
келган, камбағалларидан эмас, форсларнинг энг кўзга кўринган бойларидан  
бўлган киши ўзига ёғилиб келаётган ойликларни, моҳоналарни олмасдан ўз  
қўли ила тўқиган саватлар орқали келган 3 дирҳамдан биргина дирҳамига  
қаноат қилиб ўтирибди..  
Нега энди шу қадар кенглик ва фаровонликда ўсган бул зот бу ҳолни ихтиёр  
этди? Нечун ўзига берилаётган бошчилик, амирликлардан қочиб, рад этганча:  
"Таом ўрнига тупроқ есангда, икки киши устидан бошлиқ бўлмаслик  
ўхдасидан чиқа олсанг, омадинг чопибди.." дейдида, барча мансаблардан,  
амирликлардан қочиб, жиҳодга кетаётган бўлинма бўлсагина, ёки ўзидан  
бошқа амирликка яроқли киши топилмай қолгандагина, чор-ночор қабул  
этиб, бу вазифани удалаш учун титраб, йиғлаган ҳолда ишга тушадиган  
бўлиб қолди..?  
Устига мажбурлаб юклатилган вазифаси эвазига келаётган ҳалол иш ҳақини  
олишдан нега бош тортади..??  
Ҳишом ибн Ҳассон Ҳасан Басрийдан ушбуларни ҳикоя қилади:  
"Салмоннинг иш ҳақи 5 000 эди, қўл остидаги 30 000 кишига хутба қилар  
экан, унинг биргина тўни бўлиб, у ҳам кийим, ҳам тўшак вазифасини ўтар  
эди.. Моҳонаси чиққанида шундайича ўтказиб юборар, қўл меҳнати  
орқасидан кун кўрар эди..".  
Неъмат қўйнида ўсган, маданият шаробидан симирган бу форсий киши нега  
бу қадар таркидунёликка берилди, дунёдан этак силқиди?  
Келинг, жавобни унинг ўзидан олайлик, беғубор, улўғвор руҳи Буюк,  
Меҳрибон Парвардигори томон йўл олиш вақти етиб, ўлим тўшагида ётган  
вақтида айтган сўзларини эшитайлик..  
Саъд ибн Абу Ваққос уни кўргали келди.. Салмон Саъдга кўзи тушар экан  
кўзлари жиққа ёшга тўлди..

- Нега йиғлайсиз, Абу Абдуллоҳ, Росулulloҳ сиздан рози бўлиб кетган бўлсалар..

- Худо ҳақи, ўлимдан кўрқиб ё дунёга ачиниб йиғламаяпман, лекин

Росулulloҳ кетаётганларида: "Дунёдан оладиган улушларинг мусофир-қўноқникидек бўлсин", деган эдилар.. Менчи.. мен шунча нарса ичида ётибман...

Саъд: атрофига назар ташлаб, бир товоқ, обдастандан бошқа ҳеч нарса кўрмадим, дейди..



- Абу Абдуллоҳ, бизга насиҳат қилиб кетинг..  
- Эй Саъд.. Бирор ишга уринганинда ҳам, бирор ҳукми қилганинда ҳам, бирор молни тақсимлаганинда ҳам Оллоҳни ёдда тут...  
Ҳаа.. Унинг нафсини тўқ қилган, дунёнинг молларию мансабларию мартабаларидан қўл силташга олиб келган "Дунё сизларни эгаллаб қўймасин, дунёдан оладиган насибангиз мусофир оладиган насиба миқдорида бўлсин"

деган Росулulloҳ нинг марҳаматлари экан..  
Салмон бу муборак сўзларга пайравликни қиёмига келтириб, аҳдида тура олган бўлсада, покиза руҳи сафарга отланар экан, "ростдан ҳам аҳдда тура олдимми, чегарадан ўтиб кетмадимми" деган ваҳимада эди.. Ён-верида эса таом ейдиган товоғию сув ичиб, таҳорат оладиган обдастаси бор эди, холос..!! Шундай бўлсада, ўзини дунёга кўмилган, деб ўйлаётибди..  
Сизга: "У Умарга жуда ўхшайди", демаганмидим!  
Мадоин ноҳиясига амирлик қилиб юрган вақтида ҳам аҳволи ўзгармади..  
Юқорида айтиб ўтилганидек, амирлик моюнасини олишдан бош тортди, сават тўқиб кун кечириб юрди.. Кўйлаги билан тўни эса камсуқумликда бири биридан ўзар эди..  
Бир куни йўлда келар экан, бир киши Шом тарафдан анжир, хурмо кўтарганича келиб қолди.. Юк уни анча эзиб қўйган эди.. Олдидан шаҳар аҳлининг оддий кишилари киядиган юпунгина кийинган кишининг ўтаётганини кўргач, "кел, шунга кўтартирай, мен ҳам дам олиб оламан, у ҳам баҳонада бир-икки мирилик бўлиб қолади", деган ўйда уни имлаб чақирди.. У келгач, "кел, буни кўтар", деди.. Йўлда уни олдига солиб, юкини кўтартириб келар экан, рўпараларидан бир тўп одамлар чиқиб қолдилар... Юк кўтариб кетаётган киши уларга салом берди.. Улар тавозеъ билан "Амиримизга ҳам салом бўлсин" дедилар..  
Йўловчи ҳайрон.. "Амиримизга салом бўлсин"..?? Қайси амир?? У шу ўйга келар экан, таажжубга тушган, гаранг ҳолда қолган эди.. Ўша тўп ичидан бир нечтаси югуриб чиқиб "Амир ҳазратлари, келинг менга беринг, уят бўлади.." деб қолгани эса уни янада тонг қолдириб, оғзини ланг очириб қўйди..  
Ўша юпун кийинган киши кимсан Мадоин амири Салмони Форсий эканлигини билиб довдираб қолди, югуриб келиб минг узр-ла юкни қайтиб олмоқчи бўлди.. Салмон эса "Йўқ, жойингизга етказиб бермагунимча бермайман", деб бош чайқар эди...

\* \* \*

Бир куни ундан:  
Нега бунчалик амирликни суймайсиз? деб сўрадилар. У "тотиб кўриши тотлию, ундан чиқиб кетиш аччиқ, қийинда", дедилар.  
Кунларнинг бирида дўсти унинг уйига кириб қолиб, хамир қораётганини кўриб сўради:

- Хизматчи қани?

- Бир ишга юборган эдим, бирйўла икки хизматни буюргим келмади..  
"Уйига" деган сўзни эшитган муҳтарамлар унинг уйи қандай эканлигини ҳам билганлари яхши.. Ўша "уй" деб аталмиш кулбани қурмоқчи бўлганда қурувчидан: "уйни қандай қилиб қурмоқчисан", деб сўради..  
Қурувчи Салмоннинг зоҳидлигини, тақвосини биладиган заковатли, ақлли киши эди..  
Унга жавоб берар экан: "қўрқмасинлар, бор-йўғи ёзнинг жазирамасидан, қишнинг аёзидан сақлайдиган, турсангиз бошингиз шифтига, ётсангиз оёғингиз четига етадиган қилиб қуриб берамиз", деди.. У киши хотиржам бош силкди:  
"Шундай бўлсин".

Унинг ушбу дунёда ардоқлайдиган, кўз қорачиғидек сақлайдиган биргина нарсаси бўлиб, аёлига уни жуда махфий жойга бекитиб қўйишини буюрган, ҳеч ким воқиф бўлмаслигини тайинлаган эди.. Ўлим шарпаси келиб, дунёдан кетиш маҳали яқинлашганини сезгач, хотинига: "Ҳалиги мен яшириб қўй, деган нарсани опкелинг", деди.. Олиб келди.. "Жалуло" ғазоти кунини улушига тушган мушк (хушбўй атир кукуни) эди.. Ўлганимда сепилади, деб олиб қўйган экан.. Бир пиёла сув олиб келтириб, унга мушкни солар экан, аралаштариб аёлига деди:

- Теварагимга сепиб қўйинг, ҳозир олдимга таом емайдиган, хушбуй ҳидларни хуш кўрадиганлар келади..

Аёли айтганини бажариб бўлгач:

- Эшикни маҳкам ёпиб ташқарига чиқинг, деб буюрди.. Аёли чиқиб кетди.. Бир муддат ташқарида қолиб, қайтиб кирганида муборак руҳи жасаидан, дунёдан ажралиб, кўкка чиқиб кетган, улуғ жамоат томон завқу шавқ қанотлари ила парвоз қилмоқда эди.. Зеро, у ерда кўришишга пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан, икки ўртоғи Абу Бакр ва Умар билан, дунёни ёғду ва эзгуликка тўлдирган шаҳидлар, покиза танлар билан ваъдалашган эди..

Неча йиллаб Салмонни қадрдонларига бўлган чанқоқ иштиёқ томоғини қақратиб келган эди... Мана энди бемалол, симирса, қонса бўладиган кун ҳам етиб келди..